Таҳлил

*Халқ хўжалиги тармоқларида амалдаги қонунларга асосан, йилни зарар билан якунлаган ва муддати ўтган кредиторлик қарзи мавжуд корхоналар синиши, яъни банкрот деб эълон қилиниши лозим. Уларнинг мол-мулки қарзларни тўлаш учун сотилиб, барча тўлов ҳисоб-китоблари амалга оширилгач, корхоналар тугатилиши керак. Аммо қишлоқ хўжалигида зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар тақдирига бир хил ёндашиб бўлмайди.*

# САНАЦИЯ ҳам наф бермагач...

Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги соҳаси алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга. Аввало, маҳсулот етиштириш ер ҳолатига боғлиқ. Иккинчидан, тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга молик. Қолаверса, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи узлуксиз ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ночор хўжаликларни соғломлаштиришга киришилганига уч йил бўлди. Бу борада ўзига хос механизм яратилди ва у кенг қамровли сиёсат даражасида амалга оширилмоқда. Санация деб юритилаётган мазкур тадбирни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилди, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Тармоқнинг давлат томонидан бундай қўллаб-қувватланиши Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилардан бўлиб бизнинг мамлакатимизда жорий қилинганди.

Санация тадбирларини амалга оширишдан мақсад тўлов қобилиятини йўқотган ва иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва барча ички ҳамда ташқи омилларни мақбул даражада ишга солиш ҳисобига унинг қарз тўлаш қобилиятини тиклаш ва жамоада иқтисодий барқарорликка эришишдир.

Ўтган даврда республикамиз қишлоқ хўжалигида бу борада катта тажриба тўпланди. Кўплаб хўжаликлар юқори натижага эришиб, айни пайтда улар хўжалик юритишнинг энг мақбул усули — ширкат шаклида фаолият кўрсатмоқда. Масалан, 1998 йили 104 хўжалик санация қилинган эди. Йил охирида 96 та хўжаликда ижобий натижалар қўлга киритилганлиги, 978,9 миллион сўм фойда олинганлиги маълум бўлди. 1999 йилда эса яна 150 та хўжалик, 2000 йилда эса 82 та хўжаликка санация жорий этилди.

Соғломлаштириш жараёни олиб борилаётган барча хўжаликларда ташқи бошқарув тизими жорий қилинган. Бизнес-режалар ишлаб чиқилиб, ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган. Хўжаликларнинг 7,6 миллиард сўмлик қарзи тўлов муддати эса Молия вазирлигининг имтиёзли кредити ҳисобидан кечиктирилган.

Хўжаликларда, шунингдек, 53308 та ишчи ўрни қисқартирилди. Бўш қолган одамлар янги жойларга, шу жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларига, хусусий тадбиркорликка жалб қилинди. Иш оила пудрати асосида ташкил қилинганлиги, харажатлар қатъий назоратда бўлганлиги, боғ ва токзорлар ижарага берилганлиги туфайли Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида юқори ҳосилдорлик ва рентабелликка эришилди. Масалан, сув танқислиги рўй берган ўтган йилда ҳам 231 та хўжаликдан 122 таси йилни 1,2 миллиард сўм фойда билан якунлади. Зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар сони пахтачиликда 1999 йилга нисбатан 104 тага, ғаллачиликда 73 тага камайди.

Аммо очиқ айтиш керак, берилган имкониятлардан оқилона фойдалана олмаётган, иш юритишда камчиликларга йўл қўяётган, ўзларида уддабуронлик фазилатларини намоён қила билмаган айрим раҳбарларнинг айби туфайли баъзи хўжаликлар ҳамон қолоқлик ботқоғидан чиқа олмаяпти. Масалан, ўтган икки йилда санацияга тортилган хўжаликлардан 109 таси 4,7 миллиард сўм зарар кўрганига нима дейсиз? Ҳатто шундай хўжаликлар ҳам борки, иқлими, шароити, сув билан таъминланиши деярли бир хил, лекин натижа икки хил. Мисол учун Усмон Юсупов туманидаги «Тошкент» ва Р.Ғойипов номли хўжаликларни олиб кўрайлик. «Тошкент» хўжалиги ўтган йили пахта ва ғалладан бизнес-режадаги кўрсаткичларга эриша олмади. Лекин маҳсулот ишлаб чиқаришда кўзда тутилган харажатларни кам сарфлашга эришди. Натижада 50 миллион сўм тежалди. Йил охирига келиб эса, 22 миллион сўм фойда олишга эришилди. Р.Ғойипов номли хўжаликда ҳам барча соҳаларда топшириқлар уддаланмади. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмади, натижада харажатлар ошиб кетди. Икки йил мобайнида ҳам қолоқлик ботқоғидан чиқа олмади. Ўтган йилнинг ўзида хўжалик 48,3 миллион сўм зарар кўрди.

Зарбдор туманидаги «Нурафшон» хўжалигида ҳам худди шундай аҳвол юзага келди. Иш яхши ташкил қилинмаганлиги натижасида 2000 йилда асосий тармоқ ҳисобланган пахта ва ғалладан бизнес-режада кўрсатилган маҳсулот олинмади. Йил 36 миллион сўм зарар билан якунланди. Бундай жамоалар учун энг охирги чора сифатида улар негизида фермер хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Ўтган йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасида тўққизта, Сирдарё вилоятида учта ва Хоразмда тўққизта хўжаликда, ҳаммаси бўлиб мамлакатимиздаги 18 жамоада ана шундай тадбирлар жорий қилиниб, ер, мулк фермерларга бўлиб берилди. Қўлланилган бундай чоралар ўзини оқлаяпти. Мисол учун ўтган йилни 1999 йил билан таққослайлик. Ғаллачиликда ҳосилдорлик Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида 9 центнер, Сирдарё вилоятида бир центнерга ошди. Пахта етиштириш 0,5 центнерга кўпайиб, илгарига қараганда 847 тонна кўп хомашё тайёрланди. Бу йил ҳам бундай ишлар давом эттирилади. 52 хўжалик тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил қилиш режалаштирилган.

Жорий йилда ҳам қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий соғломлаштириш жараёни давом эттирилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 декабрдаги қарорига кўра, санация муддати тугаган 149 та хўжаликнинг 86 тасини ширкатга айлантириш, 59 та жамоада бултур об-ҳаво қийин келганлиги ва сув танқислиги рўй берганлигини ҳисобга олиб, санация муддатини яна бир йилга чўзиш, шунингдек, 76 та хўжаликни санацияга тортиш кўзда тутилган.

Бундан мақсад шуки, иқтисодий ночор хўжаликларга қаддини тиклаб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, бу жойларда ишлаётган одамларнинг турмуш даражасини яхшилашга шароит яратишдир.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳуқуқий дарсликлар тақдимоти

Яқинда юридик фанлари докторлари Ҳ.Бобоев, М.Рустамбоев ва бошқа мутахассисларнинг умумий таҳрири остида ҳуқуқий дарсликларга оид учта китоб босмадан чиқди. Уларни чоп этишга Очиқ Жамият Институти — Кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлик қилди.

Дастлабки дарслик "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" деб аталади. У давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ҳозирги замон илмий концепциялари инобатга олинган ҳолда тайёрланган. Ушбу масалага анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда, янги муаммолар ҳамда нуқтаи назарларни ҳам қамраб олган. Дарсликда Ўзбекистонда шаклланаётган демократик давлатчилик ва ҳуқуқий тизим хусусиятларига оид назарий хулосалар ўз ифодасини топган.

"Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи" китобида ушбу фаннинг ҳуқуқий манбалари, қонун ҳужжатлари, улардан келиб чиқадиган муносабатлар, очиб берилади. "Жиноят ҳуқуқи" дарслиги амалдаги Жиноят кодексининг моддалари негизида ёзилган бўлиб, шахс ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, соғлиғи, оила, ёшлар, ахлоқ, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидадир.

Куни кеча Тошкент Давлат юридик институтида ана шу рисолалар тақдимоти бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишда янги рисолаларнинг аҳамияти катта бўлишига ишонч билдирдилар.

Китоблар нафақат талабалар, магистрлар ёки юридик олий ўқув юртлари ўқитувчиларига, балки кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Музаффар НОРМАТОВ.**

# МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИР БЎЛСА...

## истеъмолчи ва хомашё етказиб берувчиларнинг *ўзлари корхонани қидириб кела бошлайди*

Тошкент ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд озиқ-овқат дўконларида бундан етти-саккиз йил аввал "Сирдарё" тамғаси билан машҳур бўлган колбаса ва сосиска маҳсулотлари яна савдога чиқарилди. Гап шундаки, яқин пайтларга қадар кунига беш тонна гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган "Сирдарёгўшт" ҳиссадорлик жамияти хомашё етишмаслиги сабабли бутунлай тўхтаб қолганди. Ўтган йилнинг августидан "Ўзгўштсутсаноат" уюшмасининг қарори билан корхонага фермер хўжаликлари ва аҳолидан чекланмаган миқдорда накд ва пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олишга рухсат этилди.

— Натижада корхонамизда хомашё муаммосига бутунлай барҳам берилди, — дейди мазкур ҳиссадорлик жамияти раиси Владислав Сатков. — Муҳими, хомашё эгасининг хоҳишига қараб, маҳсулот нархини нафақат пул, балки ем, ёғ ёки гўшт маҳсулотлари билан ҳам ҳисоб-китоб қилишга имконият яратилди. Айниқса, маҳсулот келтирган мижоз билан ҳисоб-китобни шу куннинг ўзидаёқ амалга ошириш йўлга қўйилгандан сўнг заводимизга одамларнинг ўзлари семиртирган буқаларини етаклаб кела бошладилар. Бугунги кунда маҳсулотларимизга талаб тобора ортиб бормоқда. Жумладан, пойтахтдаги "Меҳрли савдо" корхонаси ва "Ўзбекбирлашув" тизимидаги ташкилотлар ҳамда Гулистон шаҳридаги бир қатор бюджетдаги муассасалар асосий буюртмачиларимиз ҳисобланади. Яқиндан бошлаб эса мижозларнинг буюртмаларига кўра, бирйўла уч-тўрт хил гўшт ва гўшт маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси корхонамизнинг қисқа муддатда оёққа туриб олишига, мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларимиздан ўз вақтида қутулишимизга ёрдамлашди. Ўтган йилни эса қарийб саккиз миллион сўм соф фойда билан якунладик. Ишлаб топилган маблағларнинг асосий қисми янги музлатгичлар харид қилиш, мавжудларини қайта таъмирлашга сарфланяпти. Корхонамизда тўлиқ чиқитсиз технология жорий этилган: суякдан ем тайёрланиб, дон маҳсулотлари комбинатлари ва паррандачилик фабрикаларига етказиб берилмоқда.

"Сирдарёгўшт" ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар давлат стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис улар дўконларда туриб қолмаяпти.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Хайрободнинг обод маскани

**Жиззах туманидаги 17-мактабда «Йил мактаби» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Қишлоқ мактаби — танлов ғолиби

Республика Халқ таълими вазирлиги бу гал янгича йўл тутди. Танловнинг сўнгги босқичини туман ва вилоятларда энг кўп бал тўплаган мактабларнинг бирида ўтказишга қарор қилинди. Омад жиззахликларга, янаям аниқроғи тумандаги Хайробод қишлоғининг 17-ўрта мактаби жамоасига кулиб боқди.

Иштирокчилар танловга бир кун олдин таклиф этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ғолиб жамоалар вакиллари, меҳмонлар «Ўзбекистон» мактаби фаолияти билан батафсил танишдилар. Уларга 12 нафар олий, 31 нафар биринчи тоифали ўқитувчилар меҳнат қилаётган обод маскандаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Давлат таълим стандартлари талаблари асосида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари жуда манзур бўлди.

Ўтган 2000 йилнинг ўзида 1 миллион 398 минг сўм соф фойда келтирган қандолатчилик цехи, 3 гектар майдондаги боғ, беда майдонлари барчанинг эътиборини тортди. Ҳатто спорт зали, «Тоғ сайёҳлиги» тўгарагининг ҳам даромад манбаига айланганлиги катта таассурот қолдирди.

Хуллас, ҳайъат аъзолари, танлов иштирокчилари хайрободлик тадбиркор, иқтидорли ўқитувчиларнинг хайрли ишларига тан бердилар. 17-ўрта мактаб жамоаси бир овоздан 2000 йилнинг «Йил мактаби» кўрик-танлови ғолиби деб топилди.

Жамоа 12 миллион сўмлик компьютерлар билан тақдирланди. Бу — бир синфни юз фоиз компьютерлаштириш имконини беради.

Тошкент шаҳри, Навоий ҳамда Фарғона вилоятларидан танловда қатнашган мактаблардаги таълим-тарбия жараёни, ўқувчию ўқитувчиларга яратилган шарт-шароит ҳам юқори баҳоланди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Янгиариқ туманида баҳорги дала юмушлари авжида. Ҳали қиш ниҳояланмаган бўлса-да, туман меҳнаткашлари сув йўллари, ариқ-зовурларни тозалаш, боғларни тартибга келтириш, маҳаллий ўғит жамғариш ишларини бошлаб юборишган. Ҳатто мавжуд техникалар ҳам мавсумга тахт қилиб қўйилган. Айниқса, тумандаги Аваз Ўтар номли ширкат хўжалигида техника таъмирлаш ишлари аллақачон ниҳояланган.

*СУРАТЛАРДА: механизатор Камолиддин Ортиқов ўз агрегати билан; техника «старт» чизиғида.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



Газета танқидидан сўнг...

# Масъулият кучайтирилди

Хабарингиз бор, «Халқ сўзи»нинг шу йилги 18 январ сонида «Регистрация»да йўқ хат ёхуд Қибрай тумани ҳокимлигидан олинган ғайритабиий жавоб хусусида» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда ҳокимлик мутасаддилари таҳририятимиз мурожаатига ўта лоқайдлик билан қараганликлари хусусида сўз юритилганди. Шунингдек, туман миқёсидаги энг нуфузли ушбу идорада иш юритишга тааллуқли муҳр-тамғалардан айримлари ҳамон ўзбекчалаштирилмагани рўй-рост айтилганди.

Эътироф этмоқ жоиз, туман раҳбарияти бу сафар ниҳоятда ҳозиржавоблик кўрсатди. Масалага холис ёндашди. Шунинг натижаси ўлароқ, орадан уч кун ўтмаёқ қўлимизга қуйидаги маълумотнома тегди:

***«...«Регистрация»да йўқ хат» ҳоким ҳузурида муҳокама этилиб, иш юритишни яхшилашда масъулиятни кучайтириш чоралари кўрилди. Мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўйганлиги учун девонхона мудири К.Авазматовга, у янгидан ишлаётганлигини ҳисобга олиб, ҳокимнинг фармойиши билан ҳайфсан эълон қилинди.***

**Қибрай тумани ҳокими С.ТОШХЎЖАЕВ».**

Расмий жавобни таҳририятимизга мақоламиз қаҳрамони Камолиддин Авазматовнинг шахсан ўзи келтириб берди. Суҳбатимиз асноси хатосини яна бир бор тан олиб, узр сўради. Сўнгра кейинги пайтда ҳокимликда иш юритиш маданиятини такомиллаштириш мақсадида жиддий тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Сўзининг исботи сифатида ўнга яқин муҳр-тамғаларнинг тасвир изи туширилган қоғозни олдимизга қўйди. Улардаги барча сўз ва атамалар, ҳақиқатан ҳам, лотин имлосида, соф ўзбек тилида битилганди.

Ўткир тиғ остида

# АРОСАТДА ҚОЛГАН ШАРТНОМАЛАР

## туфайли хўжаликларнинг миллион-миллион сўм маблағи елга совриляпти. Нега?

***Шартнома асосида ишлаш бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири эканлиги тажрибадан яхши маълум. Шу туфайли жаҳондаги ривожланган мамлакатларда шартнома муносабатлари ҳаётий зарурият ҳисобланади. Хўш, Фарғона вилоятида бу масалага эътибор қандай? Таъкидлаш жоизки, эскича ишлаш исканжасидан халос бўлолмаётган айрим жамоалар, хўжаликлар, бирлашмалар ва уларнинг «қотиб» қолган раҳбарлари замон руҳини тўла ҳис этмаяптилар. Ана шундай лоқайдлик, бепарволик оқибатида синовдан ўтган шартнома муносабатлари ишлаб чиқарувчилар ҳаётига чуқур сингиб кетмаяпти.***

Вилоят «Пилла» акционерлик жамияти, унинг туманлардаги бўлимлари билан маҳсулот етиштирувчи жамоалар, ширкатлар, оилалар ўртасида тузилган шартномалар чанг босган папкаларда ҳаракатсиз қолиб кетаётганлиги фикримизни исботлаб турибди. Ўтган йилнинг январ ойида Ўзбекистон туманидаги қатор хўжаликлар туман пиллага дастлабки ишлов бериш ҳиссадорлик жамияти билан 240 тонна хомашё етказиб бериш юзасидан шартнома имзолади. Заршунослар сўзларининг устидан чиқишди: шартнома шартларида белгиланганидан мўлроқ пилла ҳосили етиштирилди. Тайёрланган хомашё туман пиллага дастлабки ишлов бериш ҳиссадорлик жамияти орқали сентябр ойидаёқ Фарғона шаҳридаги «Буюк ипак йўли» корхонасига сифатли ҳолда етказиб берилди. Энди гап тайёрловчиларда қолган эди. Афсуски, улар ваъдаларини унутишган кўринади. Имзоланган шартнома шартларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажариши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига кўра, тайёрловчи олган маҳсулоти учун ўзаро ҳисоб-китобларни беш кун ичида амалга ошириши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шартнома имзоланганига бир йилдан ошди. Етиштирилган хомашё сентябр ойидаёқ қайта ишланиб, тўқимачилар ихтиёрига топширилган. Унинг асосий қисми камалак нусха атлас, шойи матоларга айланиб, дилбар аёллару қиз-жувонларнинг завқига завқ улашмоқда. Лекин бу матоларни дунёга келтирган, тонг-саҳардан туриб барг кесган, уйининг тўрини ипак қурти боқишга бўшатиб берган пиллакор эса ярим йилдан бери ҳақини ололгани йўқ.

Фикримизни аниқ рақамлар билан исботлашга ҳаракат қиламиз, «Ғаниобод» ҳиссадорлик жамияти туман пиллага дастлабки ишлов бериш ҳиссадорлик жамияти билан 81 тонна (ҳар килограмми 230 сўм 51 тийиндан) пилла етказиб бериш юзасидан шартнома имзолаган эди. Ҳақиқатда эса тайёрланган кумуш тола 85,1 тоннани ташкил этди. Пилланинг нави, режадан ошиқча топширилган маҳсулот миқдорига қараб тайёрловчилар ширкат хўжалигига 32 миллион 61 минг сўм ҳақ тўлашлари лозим эди. Ҳозиргача бўлиб-бўлиб 24 миллион 413 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Қолган 8 миллион 197 минг сўм қарзни тўлашга келганда туман ҳиссадорлик жамияти айбни вилоятдаги мутасадди раҳбарларга, вилоятдагилар эса «Буюк ипак йўли» корхонасига тўнкаш билан овора. «Бор отангга, бор онангга» ўйини ҳамон давом этяпти.

Йил бошида тузилган шартномада агар ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, муддати ўтган ҳар бир куни учун тегишли сумманинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлаш белгиланган. Агар ушбу талабга риоя қилинса, тайёрловчилар қўшимча бир ярим миллион сўм миқдорида жарима тўлашлари лозим. Умумий қарз эса салкам 10 миллион сўмга етиб қолди.

Ёки туман пиллага дастлабки ишлов бериш ҳиссадорлик жамияти С. Авазов номли ширкат хўжалигидан ҳам салкам 11 миллион сўм қарз. Бунинг 1 миллион 668 минг сўми ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги, бошқача айтганда, шартнома талаблари бажарилмаганлиги учун ҳисобланган жаримадир. Туман бўйича тайёрловчиларнинг хўжаликлар гарданида оғир юк бўлиб турган қарзи 20 миллион 746 минг сўмни ташкил этади. Агар юқорида тилга олинган қонун талабларига қатъий амал қилинса, 3 миллион 734 минг сўм жарима тўлашга ҳам тўғри келади. Ҳали ҳиссадорлик жамияти пайчиларга бериши лозим бўлган 3 миллион 356 минг сўмлик дивидендларни бу ҳисобларга киритганимиз йўқ.

Қисқа қилиб айтганда, вилоят бўйича қайта ишловчилар билан пиллакорлар ўртасида 55 миллион сўм маблағ муаллақ бўлиб турибди. Боғдодликлар 11 миллион сўм, риштонликлар 13,8 миллион сўм, Фурқат тумани пиллакорлари эса 9,2 миллион сўмлик ҳақларини кимдан ундиришни билолмай ҳайрон. Вилоят адлия бошқармаси мутахассислари уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари папкаларда чанг босиб ётган шартномаларда қайд этиб қўйилганлигини эслатишгандан сўнггина масала ойдинлашгандай бўлди. Шунда ҳам айрим раҳбарлар «Энди бир жойда яшаймиз, бирга ишлаймиз, муроса қилиш керак», деган гапларни айтишдан ҳам тойишмади. Биз эса уларга бундай боқимандалик кайфияти билан бозор иқтисодиёти синовларидан ўтиш мушкуллигини эслатмоқчимиз, холос.

Мана, 2001 йилнинг биринчи ойи ҳам ўтди. Мамлакатимиз бўйича пиллакорлар билан 73 фоиз миқдорида шартнома имзоланган бир пайтда Фарғонада бу кўрсаткич 51,3 фоизни ташкил этяпти. Фурсат кутмайди. Ҳосил етиштиришга масъул бўлган раҳбарлар бу оқсашнинг сабабларини жиддий таҳлил қилиб, тегишли хулоса чиқаришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мақола газетада эълон қилиниши арафасида вилоят «Пилла» акциядорлик жамияти «Ғаниобод» ҳиссадорлик жамиятининг қарзини тўлагани маълум бўлди. Бу мухбир суриштирувидан кейин амалга оширилганлиги сабабли, мақолада кўтарилган масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. У бошқалар учун ҳам сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.**

## Истиқлол манзаралари

# БОБОЛАР ДУОСИ

*Эломон буванинг авлодида ўқигани йўқ эди. Яхши ўқигани ҳам Тошкентга бориб «пул бўлмаса ўтиш қийин экан», деб ўзидан кўнгли қолиб қайтиб келган. Болаларидан бири кетмон чопади, бири мол боқади, ишқилиб ўзининг рўзғорини ўзи тебратишга куч топади-да. Мустақилликка эришгач, қулоғига «энди ўқишга кириш бошқача бўлибди, пулинг борми-йўқми деб сўрашмас экан, билими бор ўтармиш», деган гаплар чалинди. Бувага бу гапларнинг қизиғи йўқ. Авлодингда ўқиганинг бўлмаганидан кейин...*

Шундай кунларнинг бирида кенжа ўғлининг каттаси ўқишга кираман, деб бувадан фотиҳа сўраб келди. Шўро даврида ўқишга киришларни кўз олдига келтирган бува нимадир демоқчи бўлди-ю, «кел-э, ўзидан кўнгли қолсин» деб унга фотиҳа берди.

Буни қарангки, тест саволларига «аъло» жавоб берган Эломон буванинг невараси Умиджон институтга ўқишга қабул қилинди. Бу хабарни эшитган бува нақ бир ой «бизданам чиқди, бизданам чиқди» деб davраларга неварасининг исмини ҳам қўшиб қўйди. Невараси бир ойда бир уйига келганида нафақа пулини чўнтагига солиб «бунга ақлли китоблардан ол», деб жиддий тайинлайди.

Бува бугун ҳам эрта турди-да, чойини ичиб узангидош дўсти Дўстмат чавандозни йўқлаб йўлга отланди. Мақсад «бизданам чиқди», деб у билан гурунглашиш эди. Ҳовлига чиқса невараси ойдек бўлиб эшикдан кириб келди. «Бўйингдан бувангг» деб неварасини қучоқлаб соқолларини юзига суркади. Бирпасда уйда байрам бўлиб кетди. Гап-сўзларнинг ҳоври босилгач, невара уйдагиларга қараб:

— Мен Америкага ўқишга борадиган бўлдим. Синовдан муваффақиятли ўтибман. Шунга сизлар билан хайрлашгани келдим, — деди.

Бу хабарни эшитган бува довдираб қолди. Ўзича «ия, бизданам мумкин эканми», — деб қўйди. Болалар эса қишлоқдан суюнчи олиш учун кўчага югуришди.

Невараси бу янгиликни бошидан охиригача гапириб берди.

— Қандоқ бўларкин, болам, — деди бува ёнбошидаги ёстиққа ёнбошлаб. — Тошкентдаги ўқишингга худога шукур, етказиб турибмиз. Америкодаги ўқишингга отангнинг топган-тутгани етмайди-ку.

— Ота, неварангизнинг айтганини англамадингизми, давлат ҳисобидан ўқийди экан. Президентимиз ўзим ўқитаман, дебди, — гапга қўшилди кенжа ўғил.

Эломон бува соқолини қўли билан тарашлаб, мийиғида кулди.

— Э, шунақами, агар Ислом Каримов айтган бўлса, бу иш бўлади. Демак, тўй ҳаракатини бошла ўғлим. Элга дастурхон ёзиб, неварамга элдуосини олиб берайин, — деб ўрнидан турди-да, ётоғига кириб кетди. Бироздан сўнг қўлида четларига палак тикилган шойи қийиқ кўтариб чиқди.

— Буни менга отам йигит бўлиб курашга тушган куним боғлаб қўйган эди. Шу куни рақибимнинг елкасини ерга теккизганман. Қани тур, болам, сен бобонгнинг кўнглидаги йигит бўлдинг. Шу қийиқни белингга боғлаб қўяй. Илоё, елканг ер кўрмасин. Эломон чолнинг шундай невараси борлигини ўша Америқонг ҳам кўриб қўйсин.

Бува неварасининг белига қийиқни маҳкам боғлади ва «биздан ҳали бундан катталари чиқади» деб кўзларига ёш олди.

Шу куни элга ош берилди. Ҳамма Эломон буванинг қўлини олиб, юзларига суртишди, «биз ҳам сиздек бўлайлик», деб. Ошда негадир болаликдан дўсти Дўстмат чавандоз кўринмади. Эртаси куни бува уни йўқлаб йўлга тушди. Қишлоқ ўртасига келганда Дўстмат чавандозга дуч келди.

— Нима бало, мазанг бўлмай қолдими, кеча кўринмадинг, хавотир олиб келаётган эдим, — деди бува уни бағрига босиб.

— Мен эмас, кампиримнинг мазаси бўлмай қолди, лекин эшитдим, кеч бўлса ҳам қутлаб келай деб келаётган жойим...

Эломон бува у билан ортга қайтди.

— Дўстмат, бу Америқо ҳам бизга бир қадам бўлди, оғайни. Ҳалиям ишонгим келмайди. Мен кимман, оддий одамман. Менинг неварам Америқода ўқисая... Етказганига шукур... Юртбошимизга раҳмат.

Улар уйга киришгач, эл-юрт тинчлиги ва фарзандлар камоли учун дуо қилишди. Бир пиёла чойни ичиб жойидан қўзғолган Дўстмат бува қўйнидан кичкина халта чиқарди. Ҳамма бува Умиджонга беш-олти сўм ҳадя қилмоқчи бўлибди-да, чолники табаррук, ишқилиб қўлини қайтармаса бўлди, деб турибди. Бува эса халтани Умиджонга узатар экан қизиқ гап қилди:

— Мана шу бувангг билан биз саксон йиллик қадрдонмиз. Ҳозирги мактабнинг орқасидаги тепаликда кураш тушар эдик. Бувангг шу тепаликда ким билан кураш тушса ҳам елкаси ерга тегмаган. Бу тупроқни бугун тонгда бориб ўша ердан олдим. Чўнтагингга солиб қўй, болам. Боболарнинг кўкраги ерга тегмаган тупроқ сенинг ҳам қаддингни тик қилсин, омин!

Ҳамма бувага қўшилиб «омин» деб юзига фотиҳа тортишди. Шу куни Умиджон шаҳарга жўнаб кетди. Унинг йўл халтасида шойи қийиқ ва бир сиқим тупроқ ҳам бор эди.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**



*— Мустақилликнинг қадрига етинглар, болам.*

Сайёр

## ГУЛЗОРДА



*Гулларни сев жонингдан ортиқ,*
*Иззатини топсин қўлингда.*
*Гулларни сев жонингдан ортиқ,*
*Гуллар унсин юрган йўлингда.*

*Очиларкан шохда ғунчаси,*
*Бўйин қўйиб ошиқ осмонга.*
*Ерга макон экан шунчаси,*
*Сиғмай кетар жумла-жаҳонга!*

*Ялпиз ўссин,*
*Райҳон қўйсин бўй,*
*Ловулласин ҳақиқ хиналар.*
*Атргулга қиё боқиб қўй.*
*Унутилар кудрат-гиналар.*
*Ўсиб турсин,*
*узма лолани*
*Чучмўмани босиб ўтмагин.*
*Огоҳлантир ану болани*
*Бойчечакни юлмасин тағин.*
*Бунчалар кўп...*
*Воҳ, бунчалар кўп...*
*Ўшалардай ёниб кулайин.*
*Ҳар тонг бирин ардоқлаю ўп,*
*Ўшаниси ўзим бўлайин.*
*Гулларни сев,*
*Қилгин эҳтиёт,*
*Гулга тўлсин бепоён ўлканг,*
*Севганидан гулни умрбод*
*Асаларин умри бол бўлган.*

## ТЎРТЛИКЛАР

Дунё қули бўлиб қолсанг, нотавон,
Шу кундан ўзингни санама инсон.
Дунё ишва билан хаёлинг олиб,
Кўзингдан оламни бекитар, инон.

* * *

Қувонч туйғуси-ла яйрасанг бешак,
Теварак-атрофни кузатгин зийрак.
Ҳижронли кунларинг етмасдан қолмас,
Етса андуҳига бардош ҳам керак.

**Ортиқжон ЖЎРАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

# Ер юзида

воқеалар рақамлар тафсилотлар

## Бош прокурор тафтиш қилинади



Куни кеча Россия президенти мамлакат Бош прокурори Владимир Устинов фаолияти, хусусан, унинг Москвада хашаматли хизмат квартирасини қандай йўл билан олганлигини ўн кун ичида аниқлаш учун Кремлдагиларга топшириқ берди, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги. Ушбу воқеа Бош прокурор «Медиа-Мост» атрофида содир бўлаётган ишларни кўриб чиқаётган бир пайтда юз берди. Маълумки, ҳозирда «Медиа-Мост» таркибига кирувчи НТВ телеканали билан В. Устинов ошкора қарама-қаршиликка ўтишган. Мазкур телеканалнинг «Янгиликлар» дастури эса бош прокурорни Кремлнинг масъул мулозими Павел Бородиндан барча қулайликларга эга бўлган ҳашаматли квартира олганлигини аён этди. Хабарингиз бор, П. Бородин айни пайтда коррупцияда айбланиб, Нью-Йоркда ҳибсда сақланмоқда. Би-би-си радиосининг таъкидлашича, Россия президенти Владимир Путин мамлакат бош прокурори устидан бу каби тафтиш ўтказиш хусусидаги буйруғи билан қонун барчага баробар эканлигини эслатиб қўйди.

## Собиқ президент сўроқ бермоқда



Кеча Филиппин Адлия вазирлиги расмийлари шу йилнинг 20 январида мамлакат Олий суди қарори билан вазифасидан четлаштирилган президент Жозеф Эстраданинг уйи қаттиқ назорат остига олинганлиги ва унинг хорижга чиқиши қатъий таъқиқланганлигини маълум қилди. Бу қарор собиқ президентнинг кўзи глаукома касаллигига чалинганлиги сабабли Бостон шаҳрида даволаниш режасига монелик қилди. Маълум бўлишича, коррупцияда айбланаётган Ж. Эстрада устидан етарлича далиллар тўпланган. Буни назарда тутган Филиппин матбуоти собиқ президентнинг узоқ муддатга қамалиш эҳтимоли борлигини очиқ ёзишмоқда. Хабарларга қараганда, бугун мамлакат Олий судида томонларнинг музокаралари бошланади.

## Олбрайтнинг зерикишга вақти йўқ



АҚШнинг собиқ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўз ҳаёти ҳақида мемуар ёзишга киришди. Ва, айни масалада Taik Miramax Books компанияси билан шартнома ҳам имзолади. Мадлен хонимнинг розилигини олиш мазкур компания учун осон кечмади. Негаки, Давлат котиби ўз вазифасидан кетгач, АҚШнинг энг йирик компаниялари қуршовида қолиб кетди. Бироқ Taik Miramax Books компанияси ана шундай ўзига хос «аукцион»да ютиб чиқиш учун Олбрайт хонимнинг эмас, балки унинг адвокати Роберт Барнетнинг «тили»ни топа билди. Натижада сих ҳам, кабоб ҳам куймади. Чунки ҳисоб-китобга ўрганган тадбиркорлар қанчалик даромад кўрса, собиқ Давлат котибининг топадиган фойдаси ҳам бундан оз эмас: 1 миллион АҚШ доллари. Маълум бўлишича, ёзилажак мемуарда у ўзининг болалик йиллари, Иккинчи жаҳон уруши даврида ўз оиласи билан Шарқий Европадан Лондонга кўчиб келганлиги, шундан сўнг 14 ёшли Олбрайтнинг АҚШни ватан тутганлигию катта сиёсатга қадам қўйиш даврларини ҳикоя қилади. Ушбу китоб 18 ой ичида ёзилиб, 2002 йилнинг кузида нашрдан чиқиши лозим.

## Салвадорда яна зилзила



Бугун Салвадор мотам қўйнида. Куни кеча ушбу мамлакатда яна бир бор ер силкиниши юз берди. Очиғи, бу кўплаб инсонларни ларзага солди. Зилзила натижасида 92 нафар киши қурбон бўлиб. 200 та бино вайрон бўлган. Бундан бир ой олдинги табиий офат 884 нафар салвадорликни ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган эди. Сиз суратда кўриб турган манзарадан ҳам аёнки, аҳвол жуда аянчли. Ҳозирда қатор давлатлар Салвадорга ёрдам қўлини чўзмоқда. Хабарларда айтилишича, мамлакат вақти билан соат 8 дан 22 минут ўтганда рўй берган табиий офат 20 секунд давом этган.

## Тернер НТВни сотиб олмоқчи



Медиамагнат Тед Тернернинг жаҳонда тутган машҳурлик даражаси кўпчиликка маълум. У дунёдаги энг йирик Си-эн-эн каналининг асосчиси ва директори ҳисобланади. Ҳозирда у 7,8 миллиард АҚШ доллари эгаси бўлган ҳолда жаҳондаги энг бой одамлар рўйхатининг 25-ўрнида турибди. Бундан аввал у Си-эн-эн канали тараққиёти учун 100 миллион АҚШ доллари сарфлаган эди. Шу йил бошида Тернер Россиянинг НТВ телеканали акцияларининг маълум миқдорини сотиб олиш режаси борлигини айтган эди. Аён бўлишича, яқинда у ушбу ишни тезлаштириш мақсадида АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлдан ҳам ёрдам сўраган. Шундан сўнг Давлат котиби К.Пауэл айни масалада Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов билан сим орқали мулоқотда бўлган. «Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, ҳозир томонлар НТВ телеканали акцияларини сотиш тартиби хусусида жиддий бош қотиришмоқда.

## Муроса йўли танланди





Маълумки, Ариэль Шарон Исроил Бош вазири курсисини қўлга киритгач, ўзининг янги ҳукумати мамлакатнинг ҳаётий эҳтиёжларига жавоб берувчи ҳақиқий сиёсий барқарорликка эришишга интилишини баён қилган эди. Ҳозирда Исроилдаги энг йирик «Ликуд» ва Эхуд Барак аъзолигидаги «Меҳнат» партиялари муштарак ҳукумат тузишга эришаётгандек кўринмоқда. Негаки, мавжуд икки партия вакиллари Фаластин томони билан шу вақтгача имзоланган ҳужжатларни ҳурмат қилишларини билдиришди. Бундан ташқари кеча Бош вазир А. Шарон ва собиқ раҳбар Э. Барак ўртасида бўлган мулоқотда ҳам айни масалада якдил фикрга келинди. Кўпчиликнинг чинакам қувончига сабаб бўлгани эса, Исроил Бош вазири минтақадаги Ливан ва Сурия давлатлари билан ҳам тинчлик музокараларини олиб боришини маълум қилди. Ушбу воқеалар Исроилнинг минтақада тинчлик жараёнларини ўрнатиш тарихий эҳтиёж эканидан, буни яҳудийлар ҳам тан олишидан далолатдир.

*«Интернет» хабарлари асосида Фурқат САНАЕВ тайёрлади.*



# Бобур хотирасига бағишланди

Буюк шоир ва давлат арбоби, машҳур саркарда, илм-фан,адабиёт ва санъат фидойиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига 518 йил тўлди. Унинг қаламига мансуб жаҳонга донғи кетган "Бобурнома", кўплаб ўлмас лирик асарлар, мусиқа ҳамда ҳарбий санъат тўғрисидаги умрбоқий рисолалар халқимизнинг нодир бойлигига айланган.

Андижон вилоятидаги Бобур номли илмий-универсал кутубхонада шоирга бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кечада шу ҳақда сўз юритилди. Унда улуғ аллома шоирнинг маънавий меросини тадқиқ этаётган олимлар, ёзувчи ва шоирлар, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда миллий маданий марказ вакиллари иштирок этди. Олий Мажлис депутати, Бобур номли халқаро илмий экспедиция раҳбари З.Машрабов ўтган йилнинг октябр-ноябр ойларида ўтказилган экспедиция иши хусусида маъруза қилди.

Адабий кеча иштирокчилари ўзаро фикр алмашинувлардан сўнг Бобур ижодига бағишланган мусиқий композицияни тинглаб, унинг ҳаётини акс эттирувчи бадиий кўргазма экспонатларини томоша қилишди.

**А. ҚОДИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

*(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 29 январдан 10 февралгача бўлган маълумот)*

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина-трактор парклари иш (хизмат)ларининг нархларини қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва пудратчиларига етказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи[1].

***2001 йил 3 февралда 1004-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2001 йил 13 февралдан кучга киради).***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарори.

***2001 йил 6 февралда 834-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2001 йил 16 февралдан кучга киради).***

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

1. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (2000 йил 26 январда 885-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

***2001 йил 27 январда 11-сон буйруқ билан чиқарилди.***

**Мазкур меъёрий ҳужжат амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва янги меъёрий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.

2. Бизнес-фонднинг кичик ва ўрта бизнес корхоналари устав фондига кириш тартиби. *Бизнес-фонд томонидан тақдим этилган.*

3. «Бизнес-фонд» акциядорлик жамияти томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом. *Бизнес-фонд томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спортчилар тайёрлаш учун устамалар белгилаш тўғрисидаги буйруғи.

5. Ягона спорт таснифлагичи. *ЎзР Давлат спорт қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

***IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялашнинг йиллик база меъёрларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг бухгалтерлик ҳисоблари ва баланслари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибига 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ходимлари ҳамда Молия вазирлиги тизими ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондлари маблағларини ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг молия органларида бажарилишининг бухгалтерлик ҳисоби бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида буйруғи.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фармацевтика инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори.

9. 2001 йилнинг 1 январ ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

10. Оила (жамоа) пудратчиларининг режадан ортиқча етиштирган маҳсулотларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Марказлашган манбалар ҳисобига қурилаётган объектларни маблағ билан таъминлаш учун буюртмачининг ички заҳираларини сафарбар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**
**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар:**
**133-38-67, 132-00-28**

[1] Мазкур меъёрий ҳужжат кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 1998 йил 21 майда, Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш томонидан 1998 йил 14 майда тасдиқланган ва Молия вазирлиги билан келишилган Машина-трактор парклари томонидан бажариладиган механизациялаштирилган ишлар (хизматлар) баҳосини белгилаш тартиби кучини йўқотади.






«Ўзмаком» қўшма корхонаси жамоаси компаниянинг ходими Тўлқин Қосимовга акаси **Шавкат ҚОСИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриётнинг «Компьютер» бўлими оператори Э.Ғуломовага отаси **Файзираҳмон АЛИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# МАТЕРИАЛЛАР ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР ТАНЛОВИ (ТЕНДЕР)ГА МАРҲАМАТ!

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

буюртмачилигида 2001 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли материаллар ва асбоб-ускуналарни тендер савдоси асосида

*сотиб олади*

**Тендер савдосида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.**

| № | Маҳсулотлар номи | Русуми | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Совутгич шкаф | ШХ 0,8 | дона | 20 |
| 2 | Совутгич шкаф | Сино | дона | 90 |
| 3 | Совутгич камераси | КХС-2-610 | кт | 8 |
| 4 | Универсал мослама | ПУ 06 | дона | 6 |
| 5 | Картошка тозалагич ускунаси | МОК-250 | дона | 5 |
| 6 | Сабзавот қирқиш ускунаси | МРО | дона | 5 |
| 7 | Овқат пиширадиган қозон | КПЭ-250 | дона | 5 |
| 8 | Хамир қорадиган ускуна | ТММ-1 | дона | 4 |
| 9 | Овқат пиширадиган қозон | КПЭ-160 | дона | 8 |
| 10 | Нон кесадиган ускуна | МХР | дона | 5 |
| 11 | Нон ёпадиган ускуна | ШПЭС | дона | 4 |
| 12 | Сув қайнатгич | КНЭ-100 | дона | 7 |
| 13 | Сув қайнатгич | КНЭ-50 | дона | 6 |
| 14 | Электр плитаси | ПЭ-051 | дона | 14 |
| 15 | Қовуриш шкафи | ШЖЭ-085 | дона | 8 |
| 16 | Қовуриш қозончаси | СЭ 045 | дона | 5 |
| 17 | Аппарат | АПЭ-023 | дона | 5 |
| 18 | Қозон | УЭВ-60 | дона | 10 |
| 19 | Овқат тарқатиш тизими | ЛПС | кт | 5 |
| 20 | Ошхона столи | СП-1200 | дона | 36 |
| 21 | Касса аппарати | ОКА | дона | 5 |
| 22 | Ювиш ваннаси | ВМСМ | дона | 40 |
| 23 | Ошхона столи | СП-800 | дона | 35 |
| 24 | Универсал стелажи | СП-800 | дона | 20 |
| 25 | Тарози | РП-150 | дона | 8 |
| 26 | Электр қуритгич | ЭРА | дона | 15 |
| 27 | Ювиш ваннаси | ВСПМ | дона | 20 |
| 28 | Электр плитаси | П-бытов | дона | 7 |
| 29 | Трансформатор подстанцияси | КТП 63/10 | кт | 4 |
| 30 | Трансформатор подстанцияси | КТП 100/10 | кт | 8 |
| 31 | Ажратгич | РЛНД/10 | дона | 15 |
| 32 | Тран. п/ст 10 кв | 2 ГКТП 400/10 | кт | 1 |
| 33 | Трансформатор | ТМ 400/10 | дона | 8 |
| 34 | Камера | КСО 386 | кт | 3 |
| 35 | Тарқатиш шити | ШО 70-1уз | кт | 3 |
| 36 | Сув иситиш қозони | энком 2 | кт | 3 |
| 37 | Сув иситиш қозони | 5-W1115-80 | кт | 2 |
| 38 | Сув иситиш қозони | 5-W1115-90 | кт | 2 |
| 39 | Сув иситиш қозони | 5-W1115-100 | кт | 2 |
| 40 | Сув иситиш қозони | АКВГ | дона | 30 |
| 41 | Электр симлари | ППВ 2х2,5 | км | 54500 |
| 42 | Электр симлари | ППВ 2х2,5 | км | 89700 |
| 43 | Электр симлари | ППВ 2х1,5 | км | 46500 |
| 44 | Электр симлари | ППВ 2х4 | км | 30000 |
| 45 | Электр симлари | ППВ 3х6 | км | 20400 |
| 46 | Электр симлари | ППВ 2х6 | км | 8000 |
| 47 | Электр симлари | ПВ -1,5 | км | 30100 |
| 48 | Электр симлари | ПВ -2,5 | км | 100875 |
| 49 | Электр симлари | ПВ-4 | км | 18200 |
| 50 | Электр симлари | ПВ-6 | км | 12275 |
| 51 | Электр симлари | ПВ-10 | км | 20000 |
| 52 | Электр симлари | ПВ-16 | км | 25000 |
| 53 | Электр симлари | ПВ-35 | км | 12000 |
| 54 | Электр симлари | ПВ-50 | км | 18600 |
| 55 | Радио симлари | ПРППМ 2х10 | км | 60000 |
| 56 | Радио симлари | TPR | км | 33500 |
| 57 | Ёритгичлар | ЛПО 2х40 | кт | 14900 |
| 58 | Ёритгичлар | ЛПО 1х40 | кт | 1200 |
| 59 | Ёритгичлар | ЛПО 4х20 | кт | 1010 |
| 60 | Ёритгичлар | ЛПО 4х40 | кт | 150 |
| 61 | Ёритгичлар | ПВЛМ 2х40 | кт | 2185 |
| 62 | Ёритгичлар | РКУ-125 | кт | 250 |
| 63 | Ёритгичлар | РУ-250 | кт | 150 |
| 64 | Ёритгичлар | НПП 03/100 | дона | 450 |
| 65 | Ёритгичлар | НСП 11х200 | дона | 298 |
| 66 | Ёритгичлар | НСП 11х100 | дона | 560 |
| 67 | Ёритгичлар | РВОх42 | дона | 180 |
| 68 | Ёритгичлар | НБО 07/60 | дона | 688 |
| 69 | Ёритгичлар | НПП 16/40 | дона | 628 |
| 70 | Ёритгичлар | сув - муз | дона | 345 |
| 71 | Ёритгичлар | НББ 2х25 БРА | дона | 345 |
| 72 | Ёритгичлар | Д 128-100 | дона | 675 |
| 73 | Ёритгичлар | Д 143-100 | дона | 385 |
| 74 | Ёритгичлар | Шар | дона | 500 |
| 75 | Ёритгичлар | ПСХ 60 | дона | 12 |
| 76 | Кичик кучланиш сими | ПРППМ 2х0,9 | км | 18445 |
| 77 | Кичик кучланиш сими | ПТПЖ 2х1,2 | км | 28860 |
| 78 | Кичик кучланиш сими | ТРП 1х2х0,5 | км | 30000 |
| 79 | Радио | Тайга-304 | дона | 1040 |
| 80 | Звонок | МЗ -1 | дона | 35 |
| 81 | Шит | ША | дона | 20 |
| 82 | Тарқатиш пункти | ПР 8501 | дона | 236 |
| 83 | Яшик | ЯБПУ 1М | дона | 18 |
| 84 | Яшик | ЯТП О25 | дона | 30 |
| 85 | Ёритгич шити | ОПМ-3 | дона | 5 |
| 86 | Ёритгич шити | ОШВ-6 | дона | 50 |
| 87 | Шит | ШК 2101 | дона | 34 |
| 88 | Яшик | ЯОУ-8501 | дона | 30 |
| 89 | Яшик | ШВ -4 | дона | 8 |
| 90 | Кириш-тарқатиш мосламаси | ВРУ11-47 | дона | 30 |
| 91 | Яшик | ЯВП13-2 | дона | 120 |
| 92 | Шит | ОШВ-12 | дона | 30 |
| 93 | Шит | Я5111 | дона | 22 |
| 94 | Автомат | АП50-3МТ | дона | 32 |
| 95 | Автомат | АП5-2МТ | дона | 35 |
| 96 | Переключатель | ПП 2 | дона | 18 |
| 97 | Магнитли улагич | ПМЛ 2220 | дона | 40 |
| 98 | Магнитли улагич | ПМЛ 3220 | дона | 50 |
| 99 | Магнитли улагич | МПЛ 422002 | дона | 19 |
| 100 | Кнопка | ПКЛ 2204 | дона | 25 |
| 101 | Насослар | А-13 ВОД 63 | кт | 3 |
| 102 | Насослар | К90/35 | кт | 10 |
| 103 | Насослар | К20/30 | кт | 6 |
| 104 | Насослар | К8/18 | кт | 10 |
| 105 | Насослар | К45/30 | кт | 6 |
| 106 | Насослар | К65/50/125 | кт | 5 |
| 107 | Насос дозатор | АОА 21-4 | кт | 8 |
| 108 | Насос дозатор | К100/80-160 | кт | 6 |
| 109 | Насос дозатор | КМ 65-50-160 | кт | 12 |
| 110 | Насос дозатор | К-50-32-125 | кт | 3 |
| 111 | Насос дозатор | К-100-65-200 | кт | 2 |
| 112 | Вентилятор | ВЦ 70 №2,5 | кт | 50 |
| 113 | Вентилятор | ВЦ 70 №3,15 | кт | 58 |
| 114 | Вентилятор | ВЦ 70 №4 | кт | 10 |
| 115 | Вентилятор | ВЦ 70 №5 | кт | 15 |
| 116 | Вентилятор | ВЦ 70 №6,3 | кт | 18 |
| 117 | Вентилятор | ВЦ 70 №8 | кт | 1 |
| 118 | Вентилятор | ВКР 6,3 | кт | 6 |
| 119 | Вентилятор | ВКР 4 | кт | 6 |
| 120 | Ёнғин вентили | ДУ 50 | кт | 80 |
| 121 | Ствол | РС 50 | кт | 80 |
| 122 | Улаш мосламаси | ГМ 50 | кт | 80 |
| 123 | Улаш мосламаси | ГР 50 | кт | 80 |
| 124 | Ёнғин шланги | ДУ 50 1-20 | кт | 1600 |
| 125 | Контрол кабели | АКВВГ 4х4 | кт | 5475 |
| 126 | Контрол кабели | АКВВГ 7х4 | кт | 1700 |
| 127 | Контрол кабели | АКВВГ 7х2,5 | кт | 2700 |
| 128 | Очиқ сим | АН 70 | тн | 6 |
| 129 | Очиқ сим | АС 70 | тн | 5 |
| 130 | Очиқ сим | АС 50 | кг | 5 |
| 131 | Кабель | ААШВУ 3х70 | кг | 2 |
| 132 | Кабель | ААШВУ 3х95 | кг | 2 |
| 133 | Кабель | ААШВУ 3х50 | км | 3 |
| 134 | Кабель | АВВГ 3х150х1х50 | км | 5 |
| 135 | Кабель | АВВГ 3х95х1х50 | км | 4 |
| 136 | Кабель | АВВГ 3х120х1х70 | км | 3 |
| 137 | Кабель | АВВГ 3х70х1х50 | км | 6 |
| 138 | Кабель маҳсулотлари | АВВГ 4х2,5 | кт | 16000 |
| 139 | Кабель маҳсулотлари | АВВГ 4х4 | кт | 12000 |
| 140 | Кабель маҳсулотлари | АВВГ 4х6 | кт | 10000 |
| 141 | Кабель маҳсулотлари | АВВГ 4х10 | кт | 15600 |
| 142 | Кабель маҳсулотлари | АВВГ 4х6 | кт | 20000 |
| 143 | Кабель 3 | АВВГ 4х25 | кт | 14800 |
| 144 | Кабель 3х35+1х16 | АВВГ | кт | 8000 |
| 145 | Кабель 3х50+1х25 | АВВГ | кт | 7500 |
| 146 | Газ тарқатиш пункти | РОГ 40/10 | кт | 5 |
| 147 | Газ тарқатиш пункти | РОГ 50Н | кт | 5 |
| 148 | Газ улагич | РГ-160 | дона | 4 |
| 149 | Газ улагич | РГ-100 | дона | 6 |
| 150 | Газ улагич | РГ-400 | дона | 4 |
| 151 | Задвижка | d 80 | дона | 100 |
| 152 | Задвижка | d 50 | дона | 120 |
| 153 | Задвижка | d 100 | дона | 125 |
| 154 | Задвижка | d 150 | дона | 60 |
| 155 | Сув иситиш мосламаси | L=2000мм d114мм | кт | 10 |
| 156 | Парта | | кт | 2088 |
| 157 | 1 кишилик стол | | кт | 73 |
| 158 | Иш столи | | кт | 280 |
| 159 | Актив зал ўриндиғи | | кт | 1286/428 |
| 160 | Ярим юмшоқ ўриндиқ | | дона | 2264 |
| 161 | Бошлиқ хонаси учун жиҳоз | | дона | 13 |
| 162 | ЭҲМ столи | | дона | 150 |
| 163 | Гимнастика гилами | | дона | 96 |
| 164 | Ётоқхона кровати | | дона | 208 |
| 165 | Волейбол устуни | | дона | 3 |
| 166 | Волейбол устуни | | дона | 5 |
| 167 | Кийим илгич | | дона | 72 |
| 168 | Физика кабинети (стол уч-13, стол ден-2 стул 26 шкаф) | | кт | 10 |
| 169 | Химия кабинети (стол уч-13 стол, ден-2 стул-26 выт шкаф шкаф сек 2) | | кт | 9 |
| 170 | Лингафон кабинети стол уч аппарат 12 стол Преп. с аппарат 12 стол Перен. аппарат 1 стул 13 | | кт | 15 |
| 171 | Синф доскаси | | дона | 180 |
| 172 | 1 тумбали стол | | дона | 392 |
| 173 | 2 тумбали стол | | дона | 162 |
| 174 | Китоб жовони | | дона | 222 |
| 175 | Китоблар тарқатиш кафедраси | | дона | 3 |
| 176 | Кутубхона учун барьер столи | | дона | 3 |
| 177 | Ётоқхоналар учун ечиниш шкафи | | кт | 581 |
| 178 | Картотека жавони | | дона | 10 |
| 179 | 1 томонли китоб жавони | | дона | 60 |
| 180 | 2 томонли китоб жавони | | дона | 34 |
| 181 | Китоб жавони | | дона | 210 |
| 182 | Тиббиёт жавони | | дона | 9 |
| 183 | Врач столи | | дона | 161 |
| 184 | Ширма | | дона | 6 |
| 185 | Мольберт | | дона | 187 |
| 186 | Кўргазма қуроллари | | дона | 69 |
| 187 | Йиғилиш столи | | дона | 36 |
| 188 | Айланма стол | | дона | 4 |
| 189 | Юмшоқ жиҳоз | | кт | 26 |
| 190 | Шкаф пристенки | | дона | 278 |
| 191 | Трибуна | | дона | 3 |
| 192 | Пюпитрли кресло | | дона | 358 |
| 193 | Гимнастика девори | | кт | 20 |
| 194 | Гимнастика скамейкаси | | дона | 6 |
| 195 | Теннис столи | | дона | 3 |
| 196 | Гимнастика оти | | дона | 6 |
| 197 | Сакраш мосламаси | | дона | 7 |
| 198 | Овқатланиш столи | | дона | 337 |
| 199 | Кушетка | | дона | 323 |
| 200 | Медицина шкафи | | кт | 9 |
| 201 | Ширма | | дона | 6 |
| 202 | Анализ столи | | дона | 6 |
| 203 | Биология столи | | кт | 2 |
| 204 | Қурол тозалаш столи | | дона | 6 |
| 205 | Қурол сақлаш учун темир шкаф | | дона | 14 |
| 206 | Қурол-яроғ учун яшик | | дона | 6 |
| 207 | Банкетка | | дона | 210 |

***Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.***

***Бир комплект тендер ҳужжатлари нархи — 15000 сўм.***

***Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Хонобод шоҳ кўчаси, 5-уй. «Қашқадарёнефтегазсаноатқурилиш» ОҲЖ биноси, 4-қават.***

**Тел/факс:** (8-375-22) 4-46-37

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди —* 1 2 3 4 5 6